

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 66 (9.258) 1999 йил 9 июнь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Республика пул-кредит сисёти комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва уни турри ташкил этишга оид қарорларнинг май ойидаги ижроси яқинлари, валюта тушувларининг аҳоли ва бошқа долзарб масалалар муҳофиза қилинди.

◆ «Экосан» халқаро жағмармаси ташаббуси билан республика бўйлаб экология маданияти ўн кунлиги давом этмоқда. Утказилаётган ушбу тадбирдан қўзланган мақсад республикамиз экология аҳолини яхшилашга қаратилган.

◆ Тошкентдаги республика Байналмиал маданият марказида атоқли рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 200 йиллигига бағишланган юбилей кечаси, унинг доирасида «Ўзбек рассомлари ижодида Пушкин» мавзусидаги кўргазма бўлиб ўтди.

◆ Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон — Грузия ҳамда «Фестиваль» интер клублари ташкил этган санъат фестивали ўтказилди.

◆ Пойтахтимизнинг ҳамза номли ўзбек Давлат драма театри биносида Инки ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якуловчи босқичи бўлди.

◆ Ўзбекистон ёшларининг «Биоэксан» ўқув-услубий мажмуида ана шу мавзуда республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон оқинларининг Ўрта Осиё халқлари мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган халқаро мушоира — айтишув кўриги бўлиб ўтди.

◆ Андижон вилояти тиллакорлари маррага етдилар. Қабул пунктларида 2 минг 270 тоннадан зиёд қимматбаҳо санъат хом ашёси топширилди.

ЖАХОНДА

◆ Индонезияда умумий парламент сайлови бўлиб ўтди. Мазкур тадбир сўнги 40 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ушбу мамлакатда ўтказилган биринчи демократик сайловлиги билан ахамиятланди.

◆ Филиппинда Президент Марти Актисаари Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин билан учрашиш учун Пекинга учиб кетди.

◆ Халқаро тинчлик ўрнатувчи кўчалар Косовода қанда турт йил туриши мумкин. ГФР мудофаа вазири Рудольф Шарлинг ана шундай баёнот берди.

◆ Сайловларда галабага эришган Исроилнинг янги Бош вазири Егуд Барак орадан уч ҳафта ўтган бўлсада коалицион ҳукуматни шакллантиришнинг давом эттирляти.

◆ Туркиянинг Истамбул шаҳрида Грузия ва Абхазия вакиллари рақиб музокаралари бошланди.

◆ Хиндистоннинг Карнатака штатида йўловчи автобус ҳалокатга учраши натижасида 50 киши ҳаётдан кўз юмди.

◆ Чехия ташқи ишлар вазирининг делегацияси икки кунлик амалий ташир билан Тбилисга келди.

◆ Хитойнинг «Биринчи автозавад» автомобил-курулиши бирлашмаси АКШдаги «Форд» компанияси билан ҳамкорликда «Хунци» маркали автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқариш устида иш олиб бормоқда.

◆ 2000 — йилги бўлавадан футбол бўйича Европа чемпионатида саралаш мусобақалари доирасида Франция ва Россия терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Францияда теннис бўйича эркаклар ўртасида «Ролан Гаррос-99» соврини учун ўтказилаётган финал ўйинлари ниҳоятинига етди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги жамоат ташкилотларининг ақдпарастлик ва фанатизмга қарши ҳаракатларини маромига етказиш, жойларда улар ишини тақомиллаштириш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» жағмармалари вакиллари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларининг бу борада олиб бораётган ишлари баҳо бериб ўтилиб, улар фаолиятини янада жонлантириш режалари ишлаб чиқилди.

Сўзга чиққанлар ёшларнинг бундай вазирларнинг мазмунини ўтишини ташкил этиш мақсадида маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни йўналиштириш, диний ақдпарастлик ва фанатизмга қарши курашда жамоатчиликнинг роли энг таъсирли ва ишонarli кул оқанидиган келиб чиққан ҳолда бу борада энг аввало «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун талабларини татбиқ этиш, ёшлар орасида соғлом эътиқод гоясини тарғиб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ёшларнинг бундай вақтиний спорт ва фойдалари меҳнат билан қоплашга ҳаракат қилиш, уларда ватанпарварлик ҳисси ва қадриятларини таъкидлаш бўлиб қолган таъкидланди. Бу борада ватанпарварлик ҳисси ва қадриятларини таъкидлаш бўлиб қолган таъкидланди. Бу борада ватанпарварлик ҳисси ва қадриятларини таъкидлаш бўлиб қолган таъкидланди.

АЙБЛАРИГА ИҚРОР БЎЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Судида 22 нафар шахсга нисбатан оқид суд жараёни давом этмоқда. Бу шахслар шу йилнинг 16 феврал кунин Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатнинг бошқа раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституций тузумга қарши қўрувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганида айбланмоқдалар.

Судланувчи Дилшод Камолов бир неча бор мамлакатнинг ташқирисиди бўлиб, жиноий гуруҳ етакчилари билан учрашган. Улардан бажарилиши лозим бўлган махфий топшириқлар олган. Дилшод Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбир-

Халқимиз Истиқлол нардасини сураётганига ҳадемай саккиз йил тўлади. Бу йилларни ҳеч муболағасиз асрга тенг йиллар дейиш мумкин. Зеро, тарих учун лаҳзага тенг шу давр ичида Ўзбекистон ҳар жиҳатдан мислсиз ютуқларни қўлга киритди. Республикаимиз кейинги қарийб бир ярим аср мобайнида илк бор Жаҳонга юз тўтди. Мамлакатимизда етти иқлимнинг 150 дан ортиқ давлатлари тан олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида Ўзбекистонимизнинг давлат байроғи мағрур ҳилпираб турибди...

Республикаимизнинг залворли одимларининг унинг пойтахти Тошкентнинг бугунги қиёфасида ҳам аққол кўриш мумкин. Бор-йўғи саккиз йил олдин меҳмонларга кўз-кўз қиладиган диққатга сазовор жойларимизни бармоқ билан санаш мумкин эди. Эндиликда энг жаҳонгашта сайёҳлар ҳам уч-тўрт, ҳатто бир-икки йил ичида Тошкентимизда рўй берган ўзгаришлардан чинакамига ҳайратга тушмоқдалар. Йирк давлат ва жамоат арбоблари ўз ҳаяжонларини изҳор этишдан ҳеч бир ийманмаптылар.

Ҳа, бугунги пойтахтимизнинг мухташам маъмурий ва турар жой бинолари, музей ва хиёбонлари, салобатли ҳайкалтарошлик обидалари ва юзлаб сержило фавворалари, истироҳат боғлари, «Тошкент-лэнд» сайилгоҳи, кенг ва равоқ кўчаларини санаб адоғига етиш қийин. Айниқса, бир вақтлар этнография ёдгорлиқ сифатида, яъни ўзбек халқининг «янғили ўтмиши»дан хотира сифатида асраб қо-

лимоқчи бўлган эски шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Уша вақтларда ҳатто «ЛАЗ» автобуслари сиймайдиган Сағбон, Форобий, Маннон Уйғур, Қорасарой каби тур кўчалар ўрнида кенг, замонавий шоҳкўчалардан эндиликда чиройли «Мерс» автобуслари ва кенг қулайликларга эга бўлган йўловчи ташувчи транспорт воситалари қатнамоқда.

Энг муҳими — бугунги Тошкент жаҳоннинг йирк анжуманлари ўтадиган, халқаро симпозиумлар, кенгашилар ва бошқа йирк тадбирлар уюштирилаётган масканга айланди. 2000-2001 йилларда ҳатто энг муҳим халқаро сийсий анжуманлар, илмий маърифий ва турли хил тадбирлар режалаштирилаётган пойтахтимизнинг нафақат минтақаси ва собиқ Иттифок ҳудудида, балки жаҳон миқёсида улкан нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

Шаҳримизда 40 дан ортиқ мамлакатлар элчиюналари, халқаро сийсий, молиявий ташкилотлар, банклар ваколатхоналари ва бўлимлари,

МУСТАҚИЛАЛИК
8
ЮКСАЛИШ
ЙИЛЛАРИ
ЗАЛВОРЛИ
ОДИМЛАР

сида тан олиниб, яқиндагина пойтахтимизда шу спорт тури бўйича дунё биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтгани ҳамшаҳарларимиз ёдидан чиқмайди.

Тошкент республикамиз иқтисодий қувватига етакчи макеини сақлаб келаятганини ҳам таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз. Пойтахтда «огир» ва машинасозлик саноти, меъбел, пойабзал, энгил санъат соҳалари аввалгидан анча салоҳиятлироқ тарзда қад ростламоқда. Тошкент самолётсозлари яратаятган ва яқин масофаларга йўловчилар ташигга мўлжалланган энг замонавий тайёрлар ҳадемай республикамиз ва хориж мамлакатлари ҳаво йўлларида қатнай бошлади.

Хуллас, ўтаётган саккиз йил ҳам мамлакатимиз учун, ҳам унинг бош шаҳари Тошкентимиз учун янги тарихий тараққиёт йиллари бўлиб дейиш учун ҳамма асослар бор. Қисқа давр ичида эришилган ютуқлар пойтахт аҳлини янги-янги марраларга руҳлантириши шубҳасиз. Республика ҳукумати, шаҳсан Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Тошкент шаҳрини иқтисодий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келаятгани ҳам уларга илоҳ ва ғайрат бағишлайди. Шуларни эътиборга олиб, пойтахт меҳнаткашлари, бутун халқимиз қўлга киритган ютуқлар ҳақида «Оқшом»хонларга изчил ҳўқоқ қилиб бераёламиз. Уйлаймики, шу руҳдаги мақола ва очерклари миз, сўхбат ва репортажларимиз, фотоларларимиз сиз азиз газетхонларимизни бефарқ қолдирмайди. Фаол муаллифларимиз қаторида сизлар ҳам бўласиз деган умиддамиз.

«ЮЛДУЗЛАР» МУСОБАКАСИ

WTA TOUR TASHKENT OPEN

Ниҳоят, байрамона тус олган, шиқибозлар билан оқид тўла «Динамо» теннис кортида «Tashkent Open» халқаро турнирининг таптанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов, «Ай-Ти-Ти» лимитед» фирмасининг раҳбари, мусобақа ташкилотчиларидан бири Сассон Качури ажайиб теннис байрамининг очилиши муносабати билан барча қатнашчилар ва меҳмонларни қизгин табриқлаб, Юртбошимиз ташаббуслари билан теннис ва спортнинг бошқа турлари мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

21 мамлакатдан келган теннис «юлдуз»лари саф тортган майдонда давлат мадҳияси янграб, иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганова мусобақа байроғини кўтарди. Сўнг майдонга Тошкентдаги «Челленжер» мусобақаларининг икки қарра голиби австриялик Патриция Вартуш ва германиялик Жулия Абелер тушишди. Биринчи сетда 3/3 ҳисобига уйин тенг кечган бўлса-да, Вартушнинг кучли тўп ташлашларию аниқ зарбалари туфайли беллашув 6/3, 6/1 ҳисобида унинг галабаси билан якунланди.

КЕЧА

якка спортчилар ўртасида 1/16 финал бахслари бўлиб ўтди. Ҳамюртларимиз бошқа беллашулар қатори икки энг кучли ўзбекистонлик теннисчиларнинг ҳам ўйинларини томоша қилишди.

Дастлаб Лилия Биктякова Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва гиёвандликка қарши курашиш учун маблағ керак. Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар хисоб-касса марказида хайриятлар йиғиш учун 21506000200779778002 рақамли ҳисоб рақами очилди.

Бугунги кунда шу нарса аёнки, гиёвандсиз соғлом турмуш тарзи учун жамоатчилик фикрини пайдо қилиш фақатгина бутун жаҳият иштирокида амалга ошади. Шунинг учун «Гиёвандсиз дунё» хайрия тадбирида иштирок этиш барча меҳнат жамоалари, ташкилотлар, маҳалла аҳолиси, барча фуқаролар ишидир.

Теннис

лаба қозонган ҳолда нимчорак финалга йўланма олди. Қолган учрашулар куйидаги натижалар билан тугади: Анка Барна (Германия) — Мирослова Вавринек (Швейцария) — 7/5, 6/3, Адриана Серра Занетти (Италия) — Анастасия Мишкина (Россия) — 1/6, 7/5, 6/3, Петра Мандула (Венгрия) — Лариса Ширер (Парагвай) — 6/1, 6/7, 6/4, Лоуренс Куртуа (Бельгия) — Адриана Герси (Чехия) — 4/6, 6/4, 7/6, (5), Елена Деметиева (Россия) — Гила Розен (Исроил) — 7/5, 6/4.

БУГУН

жуфтлик бахслари ва болаларнинг теннис кунлари ҳам бошланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ, СУРАТЛАРДА мусобақанинг очилишидан лавҳақ.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

Тошкент Ислам университетининг фаолиятини тақомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, университет, ислом тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сисётини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент Ислам университети маслаҳат кенгаши тузилиши ва унинг таркиби илоҳидаги рўйхатга биноан ташкиллансин.
- Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров тайинлансин.
- Маслаҳат кенгашининг тавсиялари университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгалиги белгилансин.
- Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари куйидагилар этиб белгилансин:
 - Ислам университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;
 - жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрафлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук илмушунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
 - ҳомийларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқиш услубияти, таълимини ташкил этиш тажрибасини яқин-
- дан ўрганиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурга мос равишда тадқиқот этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига тақдир этишда тавсиялар бериш;
- дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қуйилган вазифаларни ҳар томонлама тақомиллаштиришда университет илмий кенгашига тавсиялар бериш;
- университет ва унинг ҳузуридаги ислом тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда манбалар ҳазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;
- университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкориини шакллантириш ва фаолиятига қўмақлашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 фармоишига илова

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИ

1. А. МАНСУРОВ
2. Н. ЖҲРАЕВ
3. Х. КАРОМАТОВ
4. А. БАХРОМОВ
5. А. КОМИЛОВ
6. Ф. СОБИРОВ
7. С. ГҲЛОМОВ
8. Н. ИБРОҲИМОВ
9. А. АЗИМОВ
10. Н. КОМИЛОВ
11. М. ХАЙРУЛЛАЕВ
12. З. МУНАВВАРОВ
13. Ю. ШОКИРОВ

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ ИЙФИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент Ислам университети ректори Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва урта махсус таълим вазири Тошкент давлат Шарҳунослик институтининг ректори Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъданининг ректори Профессор-исломшунос ФА шарҳунослик институти директори Имом ал-Бухорий халқаро жағмармаси раиси Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси

Шу кунин Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармоишига биноан ташкил этилган Тошкент ислом университети Ҳомийлар кенгашининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ташқи ишлар вазири, мазкур кенгаш раиси А. Комилов олиб борди.

Ислам университетининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, унда дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш учун ҳомийларни, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш, хориждан соҳанинг етук мутахассисларини тақдир қилиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳомийлик ишига республикамиздаги бир қанча вазирик ва идоралар ўз ҳисасини қўшаётгани таъкидланди. Бу борада «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Адлия вазирили, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва унинг Шарҳунослик институти ва бошқа ташкилотларнинг ишлари ташкиллатиришга қўшадиган ҳиссаси ва вазифалари келишиб олинди. Бу борада барча тақдирларни ўрганиб чиқиб, ягона дастур ишлаб чиқилиши қарор қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори Х. Каримов сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев катнашди.

Шаҳар назорат инспекциясида

ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Тошкент шаҳар назорат инспекциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдан № 462 «Аҳоли билан уй-жой коммунал хизматлари ва электр энергияси учун ҳисоб-китоблари яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши буйича жойларда ўтказилган текширув якуналари муҳокама қилинди. Унда назорат инспекцияси раҳбарлари, Марказий банк, прокуратура, солиқ инспекцияси, шаҳар ИИББ, бошқа назорат органлари вакиллари, шунингдек «Тошгаз», «Сувсоз» корхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, текширувлар шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармаси таркибига кирувчи барча 84 та ижара корхонаси ва уй-жойлардан фойдаланиш участкаларида ўтказилди.

Текширувлар чоғида заиф бажарув тартиботи, Вазирлар Маҳкамасининг юқориди кўрсатиб ўтилган қарори ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ушбу масала буйича қарорини ўз вақтида ва тўла даражада бажариш буйича айрим ҳудудий коммунал-фойдаланиш бошқармаларининг ташкилий ва назорат ишларида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Чунончи, текширув пайтида Ҳамза тумани ҳокимининг ушбу масала буйича қарори қабул қилинмаганлиги аниқланди. Бектемир, Мирзо Улугбек ва Сергели туманларида ҳам қарор ўз вақтида қабул қилинмаган.

Туманлардаги коммунал-фойдаланиш бошқармаларининг маълумотларига кўра кўрсатилган коммунал хизматлари учун 104483 та квартиралардан умумий қиймати 415,5 миллион сўмлик миқдорда мавжуд қарзлар буйича инвентаризация ўтказилган эди. Бироқ текширув пайтида қарзлари миқдори 518322,3 минг сўмни ташкил этувчи 12879 та мулк эгалари борлиги аниқланди. Бектемир, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Шайхонтоҳур туманларида лозим даражада инвентаризация ўтказилмаганлиги ҳам маълум бўлди.

Шунингдек, қарорнинг шартномаларни тузиш бора-сидаги банди ҳам тўла бажарилмаганлиги оидинлашди. Уй-жой идоралари томонидан хонадон соҳиблари билан мавжуд қарзларини узиш буйича 25 мингга яқин шартномалар тузилмаган. Текширувлар шунга кўрсатдики, бир қатор ҳолларда улар номингагина ва юридик жиҳатдан нотўғри тузилган, шартномаларда қарзларни узиш муддатлари жадвалларининг йўқлиги фактлари ҳам аниқланди. Бинобарин, фақат шу йилнинг март ойида Бектемир, Мирзо Улугбек, Юнусобод ва Яқасарой туманларида у фақат 20-40 фоизга бажарилган. Шу йилнинг 1 апрелигача мавжуд қарзларни узишнинг тахлили шуни кўрсатдики, 77161 та уй эгалари томонидан 237,6 миллион сўмлик тўловлар тўланган ёки ўтган йилнинг 1 ноябрига қадар бўлган қарзларнинг 45,8 фоизи узилган.

Аниқроқ айтишдан бўлса, 1998 йилнинг 1 ноябригача бўлган қарзлар Сергели туманида 51,8 миллион сўм миқдорда, Чилонзор туманида — 46,5 миллион сўм, Собир Раҳимов туманида — 32,7 миллион сўм ва Шайхонтоҳур туманида — 27,3 миллион сўм миқдорда тўланмаган.

Жорий йилнинг 1 майгача коммунал хизматларга ҳақ тўлаш буйича дебиторлик қарзлари ўтган йилнинг 1 ноябригача таққосланганда 1,5 баравар ошган ва 668 миллион сўмни ташкил этган. «Тошгаз» корхонасининг умумий дебиторлик қарзлари 459,5 миллион сўмни, «Сувсоз» трестиники эса 3,6 миллион сўмни ташкил этади. Электр энергияси тўлови буйича қарзларнинг 7 миллион сўми тўланган.

Текширувлар таҳлилида шу нарса оидинлашдики, уй эгалари томонидан уй-жой идоралари билан шартномалар тузиш ва мавжуд қарзларни тўлашни рад этишлари га маълум даражада айрим ижара корхоналари томонидан техник хизмат кўрсатиш ва уйлари ўз вақтида таъмирлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳоллари ҳам сабаб бўлган. Шу сабабдан 1972 та квартиралар эгалари ўзларининг 20,3 миллион сўмлик қарзларини тўламаганлар.

Жойларда уй эгалари кенгашларини тузиш буйича ташкилий ишлар жуда бўш амалга оширилган. Айрим туманларда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ушбу бўлиmlарининг номингагина фаолият кўрсатмоқда, уй-жой идораларининг маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликдаги ишлари яхши ташкил этилмаган.

Йиғилишда жойларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва ушбу масала буйича Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорининг тўла бажарилишини таъминлаш зарурлиги, зиммаларига аҳолига аниқ ижтимоий кўмак кўрсатиш, жумладан энг кам таъминланган ва кўп болали оилаларга коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга ёрдам бериш буйича катта ваколат берилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан уй-жой ташкилотларининг ҳамкорлигидаги фаолиятларини қучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.



Кўргазмалар


«ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ»

Худди шу номдаги кўргазма Республика байналмилал маданий марказида бўлиб ўтди. Республика байналмилал маданий маркази ва Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси унинг ташкилотчиси бўлди.

Бугунги кунда республикамиз жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Ўзбекистонда турли хил йўналишдаги юзлан ортиққўшма корхоналарнинг очилиши фикримиз далилидир. Фақат Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасида 80 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилган. «Ўзбекистон — Корея: дўстлик ва ҳамкорлик» кўргазма экспозицияларидан бирининг суратли материаллари билан таҳассисларимиз билан кириб бормоқда. «Тикко», «Дамас» автомобиллари, шунингдек видеотеатрларнинг ишлаб чиқариши амалга оширувчи машҳур «ДЭУ» корхонасининг маҳсулотлари билан таништирилди.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда истиқомат қилувчи 200 мингдан ортиқ корейслар аҳоли сони буйича еттинчи ўринни эгаллайдилар. Кўргазманинг «Ўзбекистондаги корейслар» махсус бўлимида 24 та бўлимни ўзига бirlаштирувчи ва барча бошқа миллатлар вакиллари билан узилмас алоқани амалга оширувчи корейс маданий марказлари ассоциациясининг фаол фаолияти билан танишиш мумкин. Ушбу экспозициянинг суратли экспонатлари бу ерга ташириб буюрганларни шунингдек, корейс халқининг анъаналари ва урф-одатлари билан ҳам таништирилди.

«Мустақил Ўзбекистон» стендидан ҳам хилма-хил



«Мустақил Ўзбекистон» стендидан ҳам хилма-хил

мавулар ўрин олган. У орқали республиканинг мустақиллик йилларида нефть, олтин қазиб чиқариш, пахта ва дон саноати каби ишлаб чиқариш ва қазиб буйича давлатимиз тўла иқтисодий мустақилликка эришган соҳалардаги муваффақиятлари билан танишиш мумкин.

«Ўзбекистоннинг тарихий мероси унинг буюк келажaginiнг омилдир» деб номланган стенд Ибн Сино, Беруний, Форобий, Хоразмий, Амир Темур, Бобур, Улугбек каби улғўғишларимиз номлари билан бошланади. Унда хорижий меҳмонларнинг қадимжосига айланган Самарқанд, Хива, Бухоро каби Ўзбекистоннинг бой маданий-меъморий мероси акс этган шакллари алоҳида ўрин ажратилган.

Суратли материаллардан ташқари кўргазмадан XXI асрга дадил кириб бораётган Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам кенг ўрин олган.

Кўргазмадан ўрин олган экспонатлар билан танишар экан Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчиси Ченг Че-Енг Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат бўлгач, ривожланишининг ўзига хос ва мос йўлини танлаганини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Фақат ўз халқи, ўз динини ҳурмат қилишга қодир бўлганларгина бошқа миллатлар ва бошқа динга эътиқод қилувчиларни ҳурмат қилишлари мумкин. Асосида битта миллатнинг устунлиги эмас, балки барча миллатлар вакилларнинг ўз-ўзига қўқ ва мажбуриятлари борасида тенглиги ва бирлиги ётувчи Мустақил Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини мана шундай тавсифлаш мумкин. Бундай давлатнинг келажаги албатта буюк бўлади», — деди элчи жаноблари.

Ўз муҳбиримиз. СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Жамоат ташкилотларида

«МАҲАЛЛА ЗИЁСИ»

Маҳаллага, унинг оқсоқоли ва барча фаолларининг савий-ҳаракати қараб, уларнинг ўқув-ўқитиш, қолаверса раҳбарлик салоҳиятига қараб баҳо берилади. Шунга кўра Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг ташаббуси билан, қолаверса Тошкент шаҳар ҳокимининг қўллаб-қувватлашлари натижасида ташкил қилиниши айни мuddао бўлди. Унинг фаолияти билан чуқурроқ танишиш мақсадида биз марказнинг директори Нейматжон Ҳасанова бир неча саволлар билан мувожабат қилдик.

— Айтгинчи, ўқув-ўқитиш марказининг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Марказнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, унда маҳалла оқсоқолларини ўқитиш ва малакасини оширишга биринчи навбатда эътибор берилади, қолаверса, маҳалла аҳолини муқаддас қадимларга савҳатларини ташкил қилади, мулкчиликнинг ҳар қандай кўринишидан қатъий назар ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, талаб ва эҳтиёжга қараб иш олиб боради.

— Маърузачиларга, семинар машғулотларини олиб борувчиларга ким ҳақ тўлайди?

— Аввало марказ атрофида жамоатчи олимларнинг кенг қатламини жалб қилиш ниятимиз бор, қолаверса маҳаллардаги одамлар билан иш олиб боришдан давлат бошқаруви тизимидаги барча ташкилотлар манфаатдор бўлиб, уларда қанчадан-қанча билимдон, тажрибали ҳуқуқшунослар, амалиётчилар, иқтисодчилар ишлайди. Прокурор, судья, Ички ишлар вазирлигининг мутаассадиларига маҳалла оқсоқоллари билан кечасию кундузи ишларни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар. Биргина Ички ишлар вазирлигининг Академиясида қанчадан-қанча билимдон олимлар борки, уларнинг маърузасини эшитишга оқсоқоллар интиқ. Таълим-тарбия, маданий хизмат соҳасидаги олимлардан, адабиёт ва санъат кўчирчиларнинг имкониятларини ҳам дастур тузишда ҳисобга олишимиз.

— Маҳалла оқсоқолларини ўқитиш ва малакасини ошириш дастурлари неча кунга мўлжалланган?

— Дастур тузишда биз биринчи навбатда янги сайланган маҳалла оқсоқолларини ўқитиш лозимлигидан келиб чиқиб иш бошладик. Уларни ўқитиш икки кунлик дастур асосида ташкил қилиниб, биринчи кун маҳалла бошқарувининг ҳуқуқий асослари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг мазмун-моҳияти, бу борадаги янги таҳрирдаги тайёрланган Қонун лойиҳасидан келиб чиқиб ўқитиш ташкил қилдик, тингловчилар билан очик мулоқот ташкил қилишни дастурга киритган бўлса, ўқитишнинг иккинчи кунини олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида шахримиздаги намунали маҳаллаларга келиб тажрибали оқсоқолларнинг иш фаолиятлари билан уларни таништириш, савол-жавоблар асосида тингловчиларни амалий ишга ўргатиш бўлди. Иккинчи кунининг охирида Марказда уларга махсус тайёрланган савол-жавобларнинг тарқатиш, шу тариқа янги сайланган оқсоқолларни бир синовдан ўтказиб олиш ҳам кўзда тутилган.

— Бир неча йиллардан бери маҳаллага раҳбарлик қилиб келаятган тажрибали маҳалла раисларини ўқитиш ва малакасини оширишга алоҳида дастур тайёрланган бўлиб, уларни ўқитиш бир ҳафтага мўлжалланган, унда ўқитиш тўғрисидаги синовлардан ўтказиш мўлжалланган. Маҳалла оқсоқолларининг махсуслаштирилган, котибларни ўқитиш эса уларни ҳар бир тоифасининг вазифасидан келиб чиқиб, манфаатдор жамоат ташкилотлари билан бамаслаҳат бўлиб махсус дастурлар асосида ташкил қилинади.

— Маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, тажриба алмашиш юзасидан маҳаллаларда олиб бориш билан боғлиқ бўлган сарф-харajatларни ким қоплайди?

— Марказ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси қошида ташкил қилинган бўлиб, жамғарма унинг бошқарувида бўлиб, унинг мақсади атрофида етуқ салоҳиятли олимлар бор. Марказ жонкуярларидан ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Бобононов, маҳалла иқтисодий хусусида илмий излашни олиб бораётган Озод Шоумаровлар махсус дастур тайёрлашиб, «Евроосиё» халқаро тараққиёт фондида грант олиш мақсадида иш олиб бормоқдалар.

— Абдумалик АБДУРАҲИМОНОВ сўхатлашди.

ИЧИМЛИК СУВИНИНГ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида кенг имкониятлар яратилган. Шунинг учун ҳам ишбилармонлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, йирик корхоналардаги бўш ётган цехлардан унумли фойдаланишга киришмоқдалар. Ана шулардан бири «Каогулянт» очик турдаги акционерлик жамияти бўлиб, бу корхона ичимлик сувини тоза ва мусаффо бўлиши йўлида иш бошлади.

— Кундалик турмушимиз учун ичимлик суви қанча тоза бўлса, шунча яхши, — дейди биз билан сўхбатда жамият бошқаруви раиси Геннадий Гандиль. — Унинг тоза бўлишини истаганимиз билан ана шу тозалик учун курашмасак яна бўлмайдим. Шунинг учун 1994 йилда фаолият кўрсата бошлаган «Дост — АКСПРО — АЛЛИ» масъулияти чекланган жамияти кенг изланишлар олиб бориб сульфат алюминий сув эритмасини ишлаб чиқара бошлади. Бу эритма ҳақида «Сувсоз» трести хабар топгач, биз билан ҳамкорликда иш тутишни таклиф этди. Натижанда 1995 йилга келиб «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти, «Сувсоз» трести ҳамда «Дост — АКСПРО — АЛЛИ» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари асосида «Каогулянт» очик турдаги акционерлик жамиятини туздик. Бунда лаборатория ишини бизнинг ходимларимиз амалга оширса, «Сувсоз» трести маблаг билан таъминлайди. Амалий ишни, яъни тажрибалашимиз «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти ҳудудида очган цехимизда олиб борамиз. Айни

Тадбиркорлик

сув эритмасини тайёрлаш учун хом ашё қаердан олинади?

— Бу сув эритмасини тайёрлаш учун керакли хом ашёни Олмалик кон-металлургия комбинатидан оламиз. Бу хом ашё алюминий чиқиндисидан бўлиб, унга керакли миқдорда ишлов берилади. Ва тайёр бўлган сульфат алюминий сув эритмаси сув ҳавзаларида қўланиб, бу аралашмалар чўқтирилади. Ҳосил бўлган чўқиндилар ёрдамида ичимлик сувимиз тозаланиб, истеъмолга узатилади.

— Геннадий Леонидович, сув эритмасидан бошқа яна нима билан шугулланасизлар?

— Бозор талаби асосида иш юрита бошлаганимиздан кейин битта иш билан чегараланиб қолмай, корхонанинг фойдаланилмай ётган қуёв цехида ҳам фойдаланишга киришдик. Бу цехимизда асосан куймакорлик ишлари бажарилади. Бажарилган ишларнинг ҳосилсини шахримиз майдонларидан кўришингиз мумкин. Айниқса, цирк майдонидagi фавворалар ва гулли чамбараклар, соҳибқирон Амир Темур ва шоир Бердак, Мотамсаро она хайкаллари, Олий Мажлис биносининг эшиклари учун бронзадан қуйилган дасталар шулар жумласидандир.

— Сульфат алюминий

Алоқа хизмати



АҲОЛИ МАМНУН

Шайхонтоҳур туманидаги 200-сонли алоқа бўлими ходимларидан кўпчиликлари мамнун. Бу жамоага Дилбархон Фуломова бошчилик қилади. Раҳбарнинг очик чеҳралиги, ҳар бир иккир-чикирдаги зукколик билан қараб, қатъийлик асосида иш юритиши бошқа ходимларга ҳам ўтган.

— Бизнинг соҳада озгина беъэтибор билан ишлана, кўпчилик сарсон бўлалади, — дейди Дилбархон биз билан сўхбатда. — Чунки жўнатилаётган хат, посылка, бандероллар, го-хо инглиз тилида ҳам расмийлаштирилади. Мана шунда кўп миқозлар хат-толикларга йўл қўйиб қўйишади. Бундай хатоларни ўтказиб юборишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.


Дарҳақиқат, жуда оддий кўринган почта ходимларининг ҳам иши анча мураккаб. Мана шундай мураккабликларга Дилбархон йигирма йилдирки бардош бериб келмоқда. Алоқа бўлими ходимлари айни вақтда 3 мингдан ортиқ фуқарога хизмат кўрсатишмоқда. Уларнинг мингдан зиёди пенсионерлардир.

Сайфиддин ШОҲБАРАТОВ, Гулбахор МҮМИНОВА.



ЮРТБОШИМИЗ Олий Мажлисининг шу йил апрель сессиясидаги маърузалари республикамиз ҳаётининг барча жаҳонлари билан бирга Ёшлар тарбиясига оид энг муҳим муаммоларни ҳам қамраб олган беҳиз эмас эди. Эро эл-юртимиз, халқимиз тақдирини, келажак ҳақида ўйлаш, ғамхўрлик қилишнинг туб моҳияти — оқибат-натихада айни шу масалага бориб тақалади... Янги асрдаги бутун ҳаётимиз — ютуқларимиз, ўсишимиз-унимиз, жаҳон миқёсда турадиган маккемиз ҳам шунга боғлиқ десак хато бўлмас керак... Эро, отлар етолмаган манзилларга тойлар етишини исбот, бутун олий мақсад қилиб интилишининг ўзи — ҳар биримиздан юксак қилб маънавиятини талаб қилади. Бу деган сўз биз ҳаммамиз ўзимизнинг буюк аждодларимизга муносиб воқислар бўлишимиз билан бирга ўзимизга ҳам муносиб воқислар таяйибла кетишни ўйлашимиз, олий мақсад қилиб қўйиш лозим бўлади. Юқорида, келтирилган кўчирма бугун олдимизга ана шундай улуг бир вазифани қўймоқда-ки, бусиз келажакимиз ҳақида гапирининг ҳоҳати йўқ!.. Негак, Ёшлар тарбияси муаммолари ҳозир бутун жаҳонда ҳар бир мамлакат раҳбарларининг диққат марказида турбди. Айрим мамлакатлардаги ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар ҳақида ахборот воситалари муттасил хабарлар бериб турибди. Эл-юртларнинг номларини санаб ўтириш шарт эмас, қузатиб юрганиларни хабар қилишди. Худди ана шу заминларда турли-туман жиноят қилмаётган берилиб кетган ёвуз ниятли кимсалар, аймон-этиқод деган энг буюк ва энг муқаддас ибораларни тилга олиб, аслида эса ўзлари бундай олий инсоний ҳис-туйғулардан бутунлай юз ўттирган маълунлар бизнинг баъзи бир иродаси бую ёшларимизни йўлдан урдилар, жиноятга бошладилар... Бундай йўлга кирганларнинг ҳаммаси дунё миқёсда қандай қарғишларга қолаётганини айтиб ўтирмамиз ҳам бўлади... Бу мавзунинг орқича қўзғал, масалаларини моҳиятида ўтказиб, тарбия, тарбия ва ана тарбия — бугун ҳаммамизнинг энг катта бурчларимиздан бири бўлиб қолаверди... Негак, ватанимиз, халқимиз, миллий мустақиллигимиз — унинг бутун келажак ҳаммамизники эмасмики? Бизнинг бугунимиз ва эртанимизга дўстона муносабатда бўлаётганлар билан бирга нуқул гаразгүйлиги билан қараётганлар ичинда ҳам, сиратида ҳам да ҳам маъқулдигини энди биллаётганими йўқ! Бундай гуруҳлар илгарилари ҳам, ҳозир ҳам учраб тургани эндиликда ҳеч кимга сир эмас! Агар биз Истиқлолимизни, ўз эл-юртимиз бахт-саодатини, озодлигини, ҳар соҳада эркинлигини, миллий тарихини, аъноларини, фазилатларини — ниҳоят мана шуларнинг олий саросари бўлиб қолганини, миллий маънавияти-ю ўзалигини бундан кейин ҳам сақлаб қолишимиз десак — Ёшларимизнинг энг улуг миллий маданиятимиз ва миллий маънавиятимиз руҳида, жаҳон миқёсда ўз маккеми хамиша сақлаб қоладиган — шу муқаддас ҳис-туйғуларни теран идрок этадиган, ҳуллас шаҳсий манфаатларини эл-юрти манфаатлари билан ўйлаб холда деб биллаётган ёшларимизнинг этишти-шига мажбуримиз... Эро, Ер ўзиди рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, ҳок ижобий бўлсин, ҳок салбий бўлсин, бирини англаб етмасдан иккинчисини ашитилиб турган аёнликлар, ундан ҳам кенг миқёсда фаолият кўрсатаётган ахборот воситалари — булар ҳаммаси ҳар бир ёш-қаридан фақат ўта хушёр, юксак онгли шахсга қўтарилишни, бирор воқеага лоқай қарамамлигини талаб қилади. Чунки бундан буюн гуруҳларда яшаб бўлмайдиган, бир вақтлар — халқимиз, ватанимиз бировларга қарам йилларда ўз ихтиёри билан бирор орзу-хавасин издор этолмас, етуқ эллик-қиллик олий мақсадларни учун қириб ташланган, таққилор, таққилорлар, таққилорлар тўғрисида ўйлаб, дардини ичига ютар, гўё гуруҳлардек кун кеңираб эди... Жаҳондаги бирон мамлакат билан ўз истачина алоқа ўрнатолмас, ҳатто ўзи етказиб бераётган маҳсулотини на ўзи истеъмол қилар, на бировларга сотолмас эди... Собик иттифок таркибидидаги ўн беш республиканинг бирортасига бирорта энг оқддий ҳуқуқ берилмагани ҳолда ёлғон-яшиллар йиғинидан иборат «конституция» деб аталган нарсасга «ҳар бир республика Сувере» деган сўзлар ҳужажуринга ёзиб қўйилганини ким билмасмики? Қанчадан-қанча буюк аждодларимиз бизнинг бугунги кунги миллий озодлигимиз учун курашиб, ўзларига тегиш бўлмаган ёвуз кўчлар билан олинча-олинча — арқонда кетганлари ҳақида мана етти-саккиз йилдан буюнгина очик-ойдин ёзадиган бўлмадикми? Жаҳон бўйлаб энг ривожланган мамлакатларнинг ўқув юртларида таълим олаётган неча-неча ёшларимиз, тикланаётган энг яхши миллий қадриятларимиз, аъноларимиз, жаҳон бўйлаб донг таратаётган иншоотларимиз, дон, ёқил, пилла, тилла, пахта, ипак, қоракўл гузаларимизга ҳақ иқтиёримизга ўтганига энди саккиз йил тўлаётган кезларда — дўст-душман гоҳ очик, гоҳ ёпиқ намён бўлаётгани муттасил оғоҳликка даъват этмайди? Биз ўш қарининг эътиборини шу воқеа-ҳодисаларга муттасил жалб етмасдан яшил олимпиади, ниҳоят яшаниб бораётган йўл ҳам йўқ... Аҳир Президентимиз «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз» деб бежиз таъкидлаётганлари йўқ.

лариди муллоқ кўринмаган бир одам ёзиб чиқариб юборади... Бу ҳам гоҳт нозик ва жадид таҳлилга лойиқ масала эмасми? Илгарилари вазирликлар ихтиёрида бир комиссия тузилгунга ўн-йигирма йиллаб уларга бирор тил теккизолмас, нимаки ёзилса ўшалар ҳукми билан чиқариларди. Ҳозир билмаймиз, бу борада кимлар фаолият кўрсатаётди? Ҳар ҳолда Тошкентнинг энг катта олий ўқув юртларидан бирида йигирма йиллаб дарс бериб келган, аммо ўзи иншо у ёқда турсин диққат ёзишга ноқобил бир неча тилчи, адабиётчилардан бири 15 йилга қаммоққа ҳукм қилинган, яна бири олди-соттига жўнагани, ҳар бирлариди фан доктори ёки фан кандидати номлари борлигини бугун ким ўйлаётди? Кафедрани муҳридаги, факультет раҳбарлигида кимлар ишлаётганини ким ўйлаётди? Бу ишларнинг ёшларимиз тарбиясига алоқаси борми йўқми? Унда бундан тарбияни қандай қилиб бировга беради? Ўн-ўн беш, ҳатто ўндан ортук йилларда бундай кимсалардан ёшлар нималарни олган экан, деб ўйлайдиганимиз борми ўзи? Уларнинг орқаларида таянч бўлиб турганлар кимлар, деган гапни ҳаёлига келтирадиганлар борми? Ўқув юртларида рўй берадиган гуруҳбошлик, маҳаллийчилик сингари қатор нуқсонларнинг илдизларини қаёқдан излаш керак деб ўйлайсиз? Бундай қонунбузарлар ҳамма ишларини қонунга мослаб олиб боришларини, шу тўғрисида муайян вақтга-то ўта оғир, очик жиноят билан қўлга тушгунча кун қўришлари сабаблари шундан эмасмики? Ёшлар тарбияси деганда бу масаланинг нақадар кениб кенитгани, чекизи ва чегарасизлиги, ўта жиддийлиги шундай ҳам кўриниб турганида манзаралар намён бўлишини ўзингиз биласиз!..



Мактабларда сўнги кўнгируқ янграсада лекин синф ҳоналарини ҳали ўқувчилар тўлалигича тарқ этганларига йўқ. Чунки бу илм даргоҳларида юқори синф ўқувчилари ёзи имтиҳонлар топширишни қизгин давом эттиришпти.

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

VII. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

«Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболни ёш авлодимиз қандай тарбия топшишга, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб воқеа етишишга, фаразларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамма ёшларга ёттиришимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо беришимиз ҳам ана шунга боғлиқ...»

ИСЛОМ ҚАРИМОВ.

Билиб қўйган яхши ОФРИҚНИ СЕЗМАЙСИЗ

Улардаги кимё техникаси олимлари ва Пермь давлат фармацевтика академияси ходимлари ҳамкорлиқда янги оғрик-ий йўқотиш воситаси — анилоқанини яратишди. Унинг но-воқандан афзаллик томони шундаки, 16 соат мобайнида беморга таъсир этади. Шунингдек, ушбу дори шамоллашни ҳам тўхтатади. Анилоқани кўкунги кардио жарроҳликда ҳамда ветеринарияда ҳам яхши натижалар беради. Айни кунда дори санаоатда кенг ишлаб чиқариш учун руҳсат этилди.

НАПОЛЕОН ШОТЛАНДИЯЛИКМИ?

Англиялик архивлар тадқиқотчиси Р. Терренсон ўзининг ўрта асрларга алоқадор бўлган ҳужжатлар тўплами «Крифф. Одамлар ва аънолар»ни эълон қилди. Олимнинг таъкидлашича, император Наполеон Бонапартнинг аждоди шотландиялик харбий Уильям-Бейн экан.

Бейлар авлоди 1745 йилда яқобучилар қўзғолоидан сўнг ватанларини тарқ этишга мажбур бўлишган. Ўрта ер денгизидида сузиб кетишганда қаттиқ довул кўтарилиб Корсика қўрғазларидан бирида қолишга мажбур бўлиши бу улур шу ерда муқим яшаб қолишди. Вақт ўтиши билан Бейн фамилияси французлар шевасига ақинлашиб Буонга айлан-ки кетди. Терренсоннинг айтишича, Наполеон Бонапарт Уильям Бейнинг невараларидан бири эмис. Нью-Йоркнинг «Новое русское слово» газетасининг ёзишича, «наполеон-чи» тарихчилар бу тахминни қаттиқ норозилик билан кутиб оlishди.

ТЎТИҚУШЛАР ТАНЛОВИ

Никарагуада ўтказилган қўшлар танловидида «Энг ақли тўтиқуш» номи учун бахшлашди. Танловда турли ранг ва катталиқдаги қўшлар иштирок этиб, ўз «санат»ларини на-моишга этдилар. Жониворлар шерьлар ўқишди, қўшқлар ижро этишди, мамлакат Президенти шарафига мадҳиялар ҳам ўқиди.

Ушбу кўрқида иштирок этганлар орасиди бир қуш ўзининг «билангўнлиги» билан йигилганларни ва ҳакамлар ҳайъа-тини лол этди. Бу тўтиқуш испан, немис, инглиз ва француз тилларида «Фақат мен галаба қозонаман. Мени бирорта қуш ҳам енголмайди» деди бирон-бирон. Ниҳоят бу Гоа ла-қабли қуш танлов голиби деб топилди. Шуниси эътиборли-ки, бу қуш ана шу тўрт тилда сиздан бирор нарсга сўзориб, агар «жини»га ёқмасангиз қонандан ҳайдаб чиқариши мум-кин. Агар яхши қайғитида бўлса инглизча Шекспир сонет-ларини, немисча Гёте шерьларини ўқийди. Шу тилларда қўшқлар қўйлади, жадли чика сўқисини ҳам қойиллата-ди.

Шарқ гурдонлари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИҚ ДОМО БЎЛУҲ...

◆ Агар меҳмон яқин дўст бўлса, таклиф қилинма-ган ҳолда келган бўлса, унга тақаллуф ва ҳашам қилинмайди, бисотида нима бўлса ўшани келтириб қўяди, нарса бўлмаса меҳмон қилиш учун қарз олин-майди. Уйда нарса бор бўлса-ю бироқ бола чақага етарли бўлса, меҳмонга қўйса, болалар оч қолади-ган бўлса, у ҳолда ҳам меҳмонга қўйилмайди. Меҳ-мон келдими, тезда овқат олиб чиқига-уринила-ди, куттириб қўйилмайди, даъват этилганларнинг кўпчилиги келса, келмаётганлари кутиб ўтирил-майди.

◆ Меҳмонга овқат тезда келтирилади. Ҳотам Асимм шундай деган эди: «Беш ишдан бошқа иш-да шошилиш ёмон ҳислат. Бу беш иш эса қуйида-гилар: таом келтириш, ўликни қўмиш, эрга бериш, гуноҳни кечиш, қарзни адо қилиш!»

◆ Дўстлар билан меҳмонда ейилган таом лазза-ти бўлади. Аждодларимиз дастурхонга бирагўла барча неъматлардан келтириб қўйишни одат қил-ганлар. Бунинг сабаби шунки, ҳар ким ўзига ёққан нарсадан ейди. Хабарлардан маълум бўлишича, ки-ши эрталаб бирор нарсга емакса касалга чалинади. Эрталаб чой ичилмаса, бош оғришининг сабаби ҳам шу.

◆ Бир ишбилармон ва меҳнатқаш кишидан: «Но-чор ва ожиз киши қандай бўлади?» деб сўрадилар. У киши шундай деди: «Ночор, ожиз, дангаса, ялқов киши шундай кишики, оилани боқишда, нарса то-пишда сўб бўлади. Ҳайрати кам, ҳиммати наса тў-лади, хотини ёнидан чиқмайди, уйда ўтиравера-ди»

«Фавоқиҳ ал-Жуласо»дан.

◆ Айтишларича, ўтмишда бир одам бир донога: «Одамларнинг келди-кеттиси жонимга теғди, адо-лат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдим!» де-ди. Доно эса унга шундай деб жавоб берди: «Иззат тўшагини тарқ этиб, мансаб курсисини бўшат! Сен-га сўз бериб айтманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийлади!» Байт:

Иштиёри бўлган киши олдиға,
Бехиштёр оқиб қолади одам.
Иштиёри кетган унинг қўлидан,
Келмас ҳеч ким унинг олдиға бир дам!

◆ Азизим, қийинчиликка чидаш мард кишилар-нинг иши. Шернинг ҳунари қураш. Мард кишилар-нинг қўли қийинчиликка теғмаса заиф кишилар фа-роғат бўстонидан гул теролмайдилар. Чунчини айта-дилар:

Дийриғида ҳеч ким тоғмас фароғат,
Фақат ўзинг учун илмасан роғат!
Азизим, жафо қўрган киши сенга арз қилиб, ёр-дам сўраб келса, сен асло дилтанг бўлма! Чунки мартаба эгаси табиб ҳукмидадир. Бемор ўзининг қарра дардларини табибга айтмаса табиб унинг ба-саллиги сиридан воқиф бўлолмайди. Натихада ши-фо шарбатини жафо чекувчига ичиролмайди.

Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ ХИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс қўйига гириф-тор бўлса барча балолар остиди ҳор бўлади. Фард:

Нафсини тиймаса киши бўлур хор,
Нафс уни қилади кўча-қўйда зор.

◆ Меҳмондорчиликнинг қондаларидан бири шун-дайки, меҳмоннинг олдиға қираётганда, чиқайтган-да ёки таом ейлаётганда очик юзли, ширин сўзли ва хушфезъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдиға ҳеч бир ходим ёки мулозимни ҳафа қилмаслик, қаттиқ гапирмаслик, улур томонидан бирорта айб ёки нуқ-сон содир бўлса танбех ва таъна сўзларини айтиш-дан тийилмоқ лозим. Шунинг учун донолар: «Меҳ-мондорчиликдаги олий иззат-очик юзлилик ва ши-рин сўзлилик», — деганлар.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД.

◆ Меҳмондорчиликнинг қондаларидан бири шун-дайки, меҳмоннинг олдиға қираётганда, чиқайтган-да ёки таом ейлаётганда очик юзли, ширин сўзли ва хушфезъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдиға ҳеч бир ходим ёки мулозимни ҳафа қилмаслик, қаттиқ гапирмаслик, улур томонидан бирорта айб ёки нуқ-сон содир бўлса танбех ва таъна сўзларини айтиш-дан тийилмоқ лозим. Шунинг учун донолар: «Меҳ-мондорчиликдаги олий иззат-очик юзлилик ва ши-рин сўзлилик», — деганлар.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД.

◆ Меҳмондорчиликнинг қондаларидан бири шун-дайки, меҳмоннинг олдиға қираётганда, чиқайтган-да ёки таом ейлаётганда очик юзли, ширин сўзли ва хушфезъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдиға ҳеч бир ходим ёки мулозимни ҳафа қилмаслик, қаттиқ гапирмаслик, улур томонидан бирорта айб ёки нуқ-сон содир бўлса танбех ва таъна сўзларини айтиш-дан тийилмоқ лозим. Шунинг учун донолар: «Меҳ-мондорчиликдаги олий иззат-очик юзлилик ва ши-рин сўзлилик», — деганлар.

БЕГАРБОЗЛИК ОҚИБАТИ

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Тошкент шаҳрида 498 та ёнғин қиқш холлари содир бўлган. Ёнғинлардан қўрилган моддий зарар бир неча миллион сўмини ташкил этди. Ёнғин ачинарлики 11 ки-ши ёнғинлар оқибатида ҳа-лок бўлиб, 14 киши ҳар хил турдаги қўйиш натижасида тан жароҳати олдилар. Қан-дай қилиб шундай нохушлик-лар рўй бермоқда, деган ҳақ-ли савол туғилади. Аслида ёнғин ўз-ўзидан бўлмайди. Аянчли ҳодисалар кундалик турмушда, ўй эгалари, таш-килот, муассаса, қорхоналар-да мутасадди раҳбарлар ва ишчи-хизматчилар томонидан

тadbирларини бажарилишига алоҳида эътибор берсалар ёнғин билан боғлиқ қўллаб аянчли ҳодисаларнинг олди-ни олишга муҳим ҳисса қўш-ган бўлардилар.

Фахриддин ХОДИЕВ,
ички хизмат майори.

Дам олдиш мавсуми бошланди. Бу даврларда тоғ ёнба-ғирларидида жойлашган дам олиш масканларида мириқиб ҳор-диқ чиқарганга нима етсин. Ушбу сурат вилоятимизнинг Бўс-тонлик туманида жойлашган дам олиш оромгоҳларидан би-рида тасвирга туширилган.

Раавиль Альбеков олган суратлар.

